



## «МАНАС» ЭПОСИДАГИ МИЛЛИЙ НАҚЛ СЎЗЛАР ВА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР

Айхан Алибоева

Андижон давлат университети

магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6171410>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05-fevral 2022

Ma'qullandi: 10-fevral 2022

Chop etildi: 15-fevral 2022

### KALIT SO'ZLAR

“Манас” эпоси, эпос, нақл сўзлар, “наама” сўзи, “Кер байталга мингизүү” сўзи.

### ANNOTATSIYA

Мақолада “Манас” эпоси ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, эпосдаги айрим миллий нақл сўзлар, уларнинг маъно-моҳияти, улар орқали анланган қадимий урф-одатлар таҳлилга тортилади.

«Манас» эпоси қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпосидир. Улуғ мерос, ноёб дурдона бўлган ушбу эпос ўзининг ҳажми, мазмуни бўйича нафақат туркий халқлар фольклоридаги, балки дунё халқлари фольклоридаги энг йирик эпос ҳисобланади.

Унда миллатлараро иттифоқлик, бирдамлик ёритилган бўлиб, эпоснинг бош қаҳрамони Манаснинг қирғиз халқини ҳимоя қилишдаги қаҳрамонлиги, сахийлиги, жасурлиги, мардлиги акс эттирилган.

Шунингдек, қирғиз халқининг сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий ва мафкуравий ҳаёти кенг баён этилган.

Асарни ўқир эканмиз, қирғиз халқининг тарихи, ўтмиш ҳаёти, урф-одатлари, қадриятлари билан тўлиқ танишамиз ва қирғиз халқининг тарихан буюк халқ эканлигини англаймиз.

Нафақат шуларгина эмас, эпос яна-да теран мазмунга эгадир. Чунки, унда халқнинг кўп қиррали турмуш тарзи, анъаналари, эстетик диди, ахлоқий меъёрлари, меҳр-оқибати, географик жиҳатдан жойлашиши, қўшни мамлакатлар билан азал-азалдан буён амалга оширилиб келаётган савдосотиқ алоқалари зўр фалсафий даражада баён этилган.



Қирғиз халқининг ифтихорига айланган улуғ мерос саналмиш “Манас” эпоси билан танишганимизда, барча соҳага, олайлик, география, тарих, медицина, тил, адабиёт, фалсафа, педагогика, психология, ижтимоий ҳаёт, жамият, давлатни бошқариш ва бошқа шу каби соҳаларга алоқадор бўлган бебаҳо маълумотлар келтирилган ўринлар мавжудлигининг гувоҳи бўламиз.

Албатта, ҳар бир соҳанинг соҳиби ўз йўналиши бўйича маълумотларга эътибор қаратиши табиий холдир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, биз “Манас” достонидаги миллий нақл сўзларга, миллий урф-одатларга эътиборимизни қаратдик.

Аввал “нақл” сўзига ўзбек ва қирғиз изоҳли луғатларида берилган таърифларга тўхталамиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида шундай ёзилган: “Нақл [а. узатиш, ўтказиш; таржима; кўчириб ёзиш; қайта ҳикоя қилиш] 1 Халқ томонидан тўқилган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя; ривоят. 2. Умуман, бирор кимса, нарса ёки унинг тарихи ҳақидаги гап, ҳикоя. 3. Халқ томонидан яратилган ҳикматли гап” [1. 29].

Қирғиз тилининг изоҳли луғатида шундай ёзилган: “Накыл 1. Үгүт-насыят, акыл берүүчү үлгү сөз. 2. Акылман, акыл-эстүү” [2. 281]. (Мазмуни: Нақл 1.Тарғибот-насихат, ақл ўргатувчи ибратли сўз. 2. Донишманд, ақл-хушли).

Ушбу таърифларда фарқли жиҳатлар кўринса-да, икки халқнинг изоҳли луғатларида “нақл” сўзи халқ томонидан яратилган ҳикматли гап эканлигида ўхшашлик мавжуддир.

“Манас” эпосидан:

Ал аңгыча болбоду,  
Баатыр Үрбү жар салды,  
Наамачылар келсин деп,  
Жалпы журтка шар салды.  
(Мазмуни: У унгача бўлмади, Ботир Үрбү жар солди, Наамачилар келсин дея, барча юртга шар айтди).

Эпосдан олинган парчада “наама” сўзи келтирилган. Ўзбек тилида “Салом нома хат” деган ибора бор. Қирғиз халқининг машхур тилшунос олими Кусеин Қарасаев “Накыл сөздөр” номли тил хазинасидан баён китобида ҳам “Салам наама кат” ибораси келтирилип, унда таниқли оқин Тўғолоқ Мўлданинг қуйидаги мисраларини келтиради:

Салам наама кат жаздым,  
Сагынып сага бара албайм.  
(Мазмуни: Салом нома хат ёздим, соғиниб сенга бора олмайман).

Юқорида келтирилган ўзбек тилидаги “Салом нома хат” билан оқин Тўғолоқ Мўлданинг мисраларидаги мазмун бир-бирига тўғри келади. Лекин, минг йиллик асрлар қаърини ўз бўйига сингдирган “Манас” эпосида хат ёзиш ва “наама” сўзини айнан “салом нома хат” ибораси берган мазмунни ифодалайдими?

“Салом нома хат” (Салам наама кат) - учрашув хат, соғиниб ёзган хат деган маъноларда фойдаланилади. Ушбу сўзлар қирғиз тилининг ўз сўзи эмас, яъни араб-иран тилларидан кирганлигини айтади Кусеин Карасаев. У шундай ёзади: “Салам” - тынчтык, - “наама”- кат, жазуу, “номе” деген сөздөн өзгөргөн, “кат” – тамга, жазуу деген мааниде “хат” деген сөздөн өзгөргөн” [3. 267].

Таниқли тилшунос бу уч сўз тенг қатори билан айтилиб, янги маънога эга бўлганлигини айтади. Яна давом



этадики, маълум бўлишича “наама” сўзи қирғиз тилида уч маънони англатади. Унинг бири – юқоридаги “хат” маъноси, иккинчиси – “нама” – “навоо” деган сўздан қирғиз тилига хос ўзгарган, мусиқа, мусиқа қуроли, учинчиси “наама” – “ооме” деган сўздан ўзгарган, содда, билимсиз, хат билмаган деган маънода қўлланилади. “У ўқимаган наама киши” деган гапдан ҳам сезишимиз мумкин. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам “оми” сўзига шундай изоҳ берилади. Оми [ а. – халққа тегишли; жамоатга оид; оддий, содда] (о – чўзиқ) Саводсиз, ўқимаган; авом [1. 122].

Бундан кўринадики, “Манас” эпосидан келтирилган мисолда “наама” сўзи содда, оми халққа қарата айтилганлигини англашимиз мумкин.

“Манас” эпосидан яна бир мисол келтирамиз:

Муну кылган катынды,  
Кер байталга мингизип,  
Кементайды кийгизип,  
Атасынын колунна

Алып барып салбайбы. (Мазмуни: Буни қилган хотинни, бўз (кичкина бўз, кўримсиз) байталга миндириб, кементайини (кийиздан тикилган сиртқи кийим) кийдириб, отасининг қўлига олиб бориб солмайдими).

Келтирилган парчадаги “Кер байталга мингизүү” нақли қадимда қирғиз халқида аёлни жазолаш урф-одатидан қолган бўлиб, яъни оқ никоҳини бузган, хиёнат қилган аёлни сочини қирқиб, юзига қора суркаб, кийиздан тикилган сиртқи кийимини кийдириб, бўз байталга тескари миндириб, ота эшигига етказиб қўйишган.

“Кер байталга мингизүү” деган уч сўздан иборат мазкур сўз, бир маънони, жазолашни англатади ва қирғиз халқида қўлланилиб келган нақл сўздир. Кечириб бўлмас гуноҳни қилган, хиёнаткор аёлни жазолаш урф-одатини изоҳлайди.

“Манас” эпосидан яна бир ҳам нақл сўзга, ҳам урф-одатга мисол бўла оладиган мисраларидан келтирамиз:

Сизде бир жакшы кыз бар деп,  
Кудалашып калсам деп,  
Кулдук уруп, мал берип,  
Кызыңа сөйкө салсам деп,  
Кайрылып келдим элиңе.

(Мазмуни: Сизда бир яхши қиз бор деб, кудалашиб қолсам деб, Куллуқ уриб, мол бериб, қизингга сирға солай деб, қайрилиб келдим элингга).

«Кулдук уруу», яъни “Куллуқ урмоқ” – қирғиз халқининг эски урф-одатларида қизга куда бўлувчи одамнинг куда бўлиши олдидан қилган ирими. Аввало одамлар орқали ёки ўзлари қизнинг боши бўш эканлигини билади. Қиз ҳақида тўлиқ маълумот олади. Ундан кейин ўғил боланинг отаси бир неча қадрли одамларни эргаштириб, қизнинг отасиникига бориб, куда бўлиш ҳақида розилигини олади. Ундан кейин қудасининг олдида пул ва мол олиб бориб, қизнинг отасига куёвнинг отаси “куллигим бор!” дея юкунади. Шу урф-одатни “куллуқ урмоқ” дейишади.

Юқорида “Манас” эпосидан келтирилган нақл сўзлар замиридаги сўз маъноларини ва улар орқали айрим қирғиз халқидаги урф-одатлар изоҳларини кўрдик.

Қисқа мақоламиздан кўринадики, “Манас” эпоси, уни ўрганиш, сўз маъноларини таҳлил қилиш қирғиз



халқининг хилма-хил сўз маъноларини,  
эски ва бугунги кунда ҳам қўлланилиб  
келаётган урф-одатларини,

қадриятларини ва бошқа қимматли  
материалларни тадқиқ этишда ноёб  
манба сифатида хизмат қилади.

## **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.
2. Кыргыз тилинин сөздүгү. 2 томдук. 2-том. «AVRASYA PRESS» Бишкек, 2011.
3. Карасаев Х. Накыл сөздөр. Тил казынасынан баян. – Ф.: Кыргызстан, 1982. – 368б.
4. “Манас” эпосу. С. Каралаевдин варианты боюнча / Түз.: А. Жайнакова, А. Акматалиев. – Б.: “Турап”, 2010. – 1008 б.